

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**“Ботиометрик марказ” ДУК**

директори

**И.Н.Шарипов**

**15.04.2022й.**



**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ**

**Объект: ЭТЛга ТМБлар харид қилиш**

**Буюртмачи: “Ботиометрик марказ” ДУК**

Энг яхши таклифларни танлашда иштирокчилар учун талаблар ва кўрсатмалар

1.	Умумий талаблар	<p>1.1. Ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 июлдаги “Давлат харидлари шаффофлигини таъминлаш ва самарадорлигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5171-сон қарори мувофиқ ишлаб чиқилган.</p> <p>1.2. Энг яхши таклифларни танлаш предмети ТМБлар харид қилиш.</p> <p>1.3. Товарлар бўйича техник топшириқ харид ҳужжатларини техник қисмида тақдим этилади.</p> <p>1.4. Харид комиссиясининг йиғилиш шакли электрон шаклда ўтказилади.</p>
2.	Танлов ташкилотчиси	<p>2.1. “Ботиометрик марказ” ДУК – танлов буюртмачиси ҳисобланади. Манзили: Тошкент шаҳри Янги ҳаёт тумани Чоштепа кўчаси 21-а уй Банк: ОАКБ Турон банк МФО: 00446 Х/р: 2020 8000 9041 9554 9001 ИФУТ: 71120 ДБИБТ: 04043 СТИР: 204 104 881 Тел: 71-250-46-64, 71-250-45-05.</p> <p>2.2. Ташкилотчи билан боғланиш учун масъул ходим муҳандис-механик Ж.Хамдамов, тел: 90-318-77-92.</p> <p>2.3. Энг яхши таклифларни танлаш Буюртмачи томонидан шакллантириладиган тоқ сонли аъзолардан иборат бўлган Танлов комиссияси томонидан ўтказилади (камида беш киши).</p>
3.	Танлов иштирокчиси	<p>3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳар қандай юридик шахслар, шу жумладан кичик бизнес субъектлари қатнашиши мумкин, 4.2-бандда кўрсатилганлар бундан мустасно.</p>
4.	Танловни ўтказиш тартиби	<p>4.1. Танловда қатнашиш учун танлов иштирокчиси қуйидагиларга мажбур:</p> <p>а) буюртмачи томонидан махсус ахборот порталида жойлаштирилган танлов шартлари билан танишиш учун танлов ўтказиш бўйича харид ҳужжатларининг электрон шаклини олиши (юклаб олиши);</p> <p>б) харид қилиш ҳужжатлари талабларига мувофиқ келадиган таклифни бериши.</p> <p>4.2. Қуйидаги иштирокчиларнинг танловда қатнашишига йўл қўйилмайди:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- банкротлик, ликвидация ёки қайта ташкил қилинаётган субъектлар;</li> <li>- буюртмачи билан суд ёки арбитраж жараёнидаги субъектлар;</li> <li>- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестри мавжуд</li> </ul>

		<p>бўлган субъектлар;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд бўлган субъектлар;</li> <li>- давлат ёки бошқа ҳудудларда (оффшор зоналар) банк ҳисоби рақами мавжуд ва рўйхатдан ўтган, имтиёзли солиқ режими қўлланиладиган ёки молиявий операцияларни амалга оширишда маълумотларни ошкор қилиш ва тақдим этишни таъминламайдиган субъектлар.</li> </ul>
5.	Танлов тили ва ўлчов бирликлари	<p>5.1. Энг яхши таклифни танлаш, буюртмачи ва иштирокчилар ўртасида барча бўладиган барча ёзишмалар ва ҳужжатлар тили ўзбек ёки рус тилларида амалга оширилади.</p> <p>5.2. Иштирокчилар томонидан таклиф, ёзишма ва ҳужжатларни бошқа тилларда тақдим этилишига фақат ўзбек ёки рус тилидаги мантини илова қилган ҳолатларида йўл қўйилади.</p>
6.	Таклифларни рўйхатга олиш тартиби	<p>6.1. Иштирокчи харид қилиш ҳужжатларида белгиланган шартларга мос келувчи битта таклифни жойлаштириши мумкин, таклиф тақдим этиш муддати якунлангунга қадар тақдим қилинган таклифга ўзгартириш киритиш ёки уни қайтариб олиши мумкин. Иштирок тақдим қилинадиган ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги ва тўғрилиги жавобгар ҳисобланади.</p> <p>6.2. Энг яхши таклиф икки қисмдан иборат бўлади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- техник қисмда таклифлар иштирокчилар томонидан тақдим этиладиган кўрсаткичлар бўйича баҳоланади (малакали кадрлар билан таъминланганлиги, мутахассисларнинг иш стажи, бажариш муддати, кафолати ва б.);</li> <li>- нарх қисмида иштирокчилар томонидан тақдим этилган таклифларнинг қиймати танлов объектига мослиги ва якуний қиймат натижалари баҳоланади.</li> </ul>
7.	Харид қилиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш	<p>7.1. Зарурат юзасидан буюртмачи Харид комиссияси билан келишган ҳолда харид қилиш ҳужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.</p> <p>7.2. Харид қилиш ҳужжатларига ўзгартириш киритиш бўйича қарор натижалари танловда иштирокчиларнинг таклифи беришидан бир кун олдин жойлаштирилишига йўл қўйилади.</p> <p>7.3. Харид қилиш ҳужжатларига ўзгартириш киритилганда иштирокчиларнинг ўз таклифларини кўриб чиқиши ёки тақдим қилиши уч кундан кам бўлмаган муддатга узайтирилади.</p> <p>7.4. Харид ҳужжатларига киритиладиган ҳужжатлар асосида махсус ахборот порталида жойлаштирилган эълон бир вақтнинг ўзида янгиланади.</p>
8.	Баҳолаш тартиби ва мезонлари	<p>8.1. Харид комиссияси эълон тугаганидан кейин ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда</p>

		<p>иштирокчилардан келиб тушган таклифларни кўриб чиқади.</p> <p>8.2. Харид комиссияси харид қилиш ҳужжатларида қайд этилган мезонлар асосида рад этилган таклифлардан ташқари, ғолибни аниқлаш мақсадида қабул қилинган таклифларни баҳолайди.</p> <p>8.3. Харид комиссияси танлов иштирокчиларидан келиб тушган таклифларни кўриб чиқиш чоғида маълумотларнинг ишончсизлигини аниқлаганда бундай иштирокчини танловдан чиқариш ҳуқуқига эга.</p> <p>8.4. Эълонда берилган мезонлар асосида энг яхши таклиф баҳоланади ва ғолиб аниқланади.</p> <p>8.5. Харид комиссияси томонидан 1.1-банддаги қонун ва қарор ҳамда харид қилиш ҳужжатлари талабларига мувофиқ расмийлаштирилган таклифлар қабул қилинади.</p> <p>8.6. Харид комиссияси томонидан 1.1-банддаги қонун ва қарор ҳамда харид қилиш ҳужжатлари талабларига мувофиқ расмийлаштирилмаган таклифлар рад этилади.</p> <p>8.7. Агар иштирокчилар томонидан таклиф қилинадиган таклифлар турли валюталарда ҳисобланган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг оферталар очилган кундаги расмий курси асосида сўмдаги таклифнинг сўмдаги қиймати аниқланади.</p> <p>8.8. Харид комиссияси иштирокчиларнинг таклифларини буюртмага мувофиқлик даражаси бўйича ҳолис баҳолашдан ва тартибга солишдан ҳамда давлат харидлари рақобатлашув усуллари орқали амалга оширилганда ғолибни (ғолибларни) танлашдан иборат.</p> <p>8.8. Харид ҳужжатларида кўрсатилган ишларни бажариш, шартномани энг мақбул усулда бажаришни таклиф қилган иштирокчи танлов ғолиби деб топилади.</p>
9.	Шартнома тузиш	<p>9.1. Танлов натижалари бўйича ғолиб иштирокчи билан белгиланган тартибда шартнома имзоланади.</p> <p>9.2. Буюртмачи шартнома умумий суммасининг 30% миқдоридаги авансни уч кун ичида тўлаб беради. Қолган 70% маблағ ишлар бажарилиб, электрон ҳисоб-фактуралар расмийлаштирилгандан кейин икки кун ичида тўлаб берилади.</p>
10.	Томонларнинг жавобгарлиги ва махфийлик	10.1. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тузиладиган шартнома акс эттирилади.

ИЧТБ бошлиғи



У.Атажанов